



Хотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

Йиғитлар ҳарбий хизматга кузатилади

Оқилхон ДАДАБОВЕВ.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармасида мuddатли ҳарбий хизматга йўл олган чакирилувчиларнинг навбатдаги гуруҳини тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари масъуллари, меҳнат фахрийлари, бўлажак юрт посбонларининг ота-оналари катнашган тадбирда Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ҳар томонлама ихчам ва замонавий армия юксалиб бораётгани эътироф этилди.

Тўрақўрғонлик муаллим Юл-

дуз Темирова уч нафар ўғилнинг онаси. Тумандаги 22-сонли умумтаълим мактабини тугатган тўнчи фарзанди Озодбек Валижоновни ҳарбий хизматга жўнатмоқда. У дилбандининг Ватан олдидаги йиғитлик бурчини шараф билан адо этишига ишончи қомил.

– Бугун мен учун нутизмас кун, бойси болалигимда қилган орзуимга етишиб, армияга отланмоқдаман, – дейди Норин туманилик Ҳумойиддин Йўлбарсов. – Насиб қилса, мuddатли ҳарбий хизматни ёрут юз билан ўташ учун бор имкониятимни ишга соламан. Маросимда ҳарбий қисмлар хизматчиларининг жанговар

кўргазмали чиқишлари ҳамда Ўзбекистон давлат филармонияси вилоят бўлимаси томонидан концерт дастури намойиш қилинди.

Мuddатли ҳарбий хизматчилар дастурхонга чорланиб, уларга вилоят ҳокимлиги ва мудофаа ишлари бошқармаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Кузатув тадбирида Янги Наманган тумани ҳокими Жобирхон Абдуллаев, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Қосимали Аҳмедов, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, подполковник Элмурод Хожиахмедов иштирок этди.

ДХМ учун кўркем бино

Фозилжон ЖЎРАБОВЕВ,
ДХА вилоят бошқармаси ахборот
хизмати раҳбари.

Янги Наманган тумани Давлат хизматлари маркази учун қурилган бино фойдаланишга топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ш. Абдураззоқов, Давлат хизматлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Н. Муҳаммадиев, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси аъзолари ва элчихоналари масъуллари, БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ОАВ ва жамоатчилик вакиллари, нуронийлар иштирок этди.

Марказнинг 500 кв.мдан ортиқ майдонга эга янги биноси маҳаллий бюджет ҳисобидан барпо этилиб, Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги, Европа Иттифоқи, БМТТД қўшма лойиҳаси доирасида жиҳозланди.

Бутунги кунда туман 25 та маҳаллани қамраб олган бўлиб, бу ерда 150 мингдан ортиқ аҳоли истикомат қилади.

Тартибни сақлаш ва навбатни бошқариш учун электрон навбат тизими йўлга қўйилган. Бундан ташқари, туман аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида шинам кутиш заллари, болалар майдончаси ва бошқа шарт-шароитлар яратилди.

Бир кунда ўртача 150-250 фуқарога 170 га яқин турдаги қулай ва тезкор хизмат кўрсатиш имкони мавжуд.

Давлат хизматлари маркази билан бир қаторда, бу ерда адлия ҳамда ФХДё бўлимлари жойлашган.



Раҳмонжон МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

ФАОЛИЯТ

Янги тизимнинг яхши натижалари

Шоҳида ДАМИНОВА.

Поп тумани маҳаллаларида фаолият бошлаган 77 нафар ҳоким ёрдамчиси хонадонларни кезиб, аҳоли муаммоларини ўрганмоқда.

Тадбиркорлик, паррандачилик билан шуғулланиш, иссиқхона қуриш ёки чорва моллари боқиш истиғида бўлганларга маслаҳат ва ҳуқуқий тушунчалар берилиб, йўл-йўриқлар кўрсатилган.

Мутахассислиги иқтисодчи бўлган олий маълумотли Умиджон Ёқубов ҳам Исковут маҳалласида мазкур лавозимда иш бошлади. Фаоллар ва тажрибали инсонлар маслаҳатига таяниб, маҳалла паспорти билан танишди ва шу асосда

«Йўл харитаси» тузиб олди. 786 та хонадонда 3885 нафар аҳоли истикомат қилади. Қисқа мuddат ичида 400 дан ортиқ оила-ларнинг турмуш тарзи билан танишиб, эҳтиёжларини ўрганиб чиқди. Устачилик, дурдгорлик, деҳқончилик, тикувчилик ва тўқувчиликка иштиёқи бор бўлган фуқароларни аниқлаб, уларга амалий кўмак бериш ҳаракатида тушди. Маҳаллада ёшлар етакчиси лавозимида фаолият бошлаган Самандар Абдувалиев ва профилактика инспектори Даврон Отабоев билан ҳамкорликда ёшлар муаммоларига ҳам ечим изланмоқда.

– Ўрганиш жараёнида ҳар бир хонадон аъзоси билан алоҳида суҳбатлашмишга

ҳаракат қилдим, – дейди у. – Кимдандир тадбиркорликка лаёқати бор, кимгадир имтиёзли кредит керак, қайсидир хонадонда устачи иш қуроли лозим... Жумладан, Ҳалимжон Қаюмов балиқчилик билан шуғулланиш иштиёқи борлигини билдирди. Унинг талаби қондирилиб, субсидия ажратилди. Яқинда хонадонига бўлганимизда балиқхона қурилишини бошлаб юборганига гувоҳ бўлдик. Улутбек Қодировнинг томоркаси 14 сотих. Унинг 4 сотихига иссиқхона қуриб, фойдаланмоқда. Дастлабки даромади 35 миллион сўмдан ошганини айтиб, агар имтиёзли кредит ажратилса, яна шунча жойда иссиқхона

барпо қилиши мумкинлигини билдирди. Ойлада уч нафар ишсиз борлигини инобатга олиб, бу оилга субсидия ажратилди. Ўз уйларида пиширик тайёрлашни йўлга қўймоқчи бўлган хотин-қизлар ҳам талайгина. Шамсиддин Исомидиновнинг касби электр-пайвандчи экан. Уни мутахассислиги бўйича тумандаги «Поп цемент» заводида ишга жойладик. Улутбек Қодиров, Мирзабек Ҳожибоев ва Ғолибжон Исоков каби маҳалладошларимиз Чуст «Металлургия» заводида ишга қабул қилинди. Шу ўринда айтиб ўтай, Чустдаги «Металлургия» заводи ва «Поп цемент» корхонаси ҳамда

«Чодак Экваториал текстиль» трикотаж ишлаб чиқариш фабрикаси раҳбарияти билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Ишла лаёқатли ёшлар бандлигини таъминлаш борасида бу бизга аини мuddао бўлди.

Ўзини Робажон Шомоҳмудова, деб таништирган аёл билан суҳбатлашдик. Касаллик сабаб оғи кесилган. 70 ёшли онахонга ногиронлар аравачаси олиб бердик.

Шижоат билан иш бошлаган 28 ёшли навқирон йиғитнинг режалари улкан. «Ҳоким ёрдамчиси – инсон кадри ва фаровон ҳаёт учун» шиори остидаги ҳаракатда илдам одимлаётган ёш мутахассиси ишларида омад тиладик.

ШУ КУННИНГ МАВЗУСИ

Ишлайдиган талаба эртага кучли билим ва касбий малакага эга кадр бўлиб етишмоғи зарур

Санжарбек ҲАМИДОВ суҳбатлашди.

Наманган Давлат университетида талабалар бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш орқали турмуш даражасини юксалтириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўрилмақда.

Жамоатчи муҳбиримиз Наманган Давлат университети ректори Собитхон ТУРҒУНОВ билан бу борадаги режалар ва улардан қутилаётган натижалар хусусида суҳбатлашди.

– Собитхон Тошпўлатович, ўзгариш қутилаётган ҳар қандай жараён мавжуд ҳолатни аниқлаш ва таҳлил этишдан бошланади. Суҳбатимиз аввалида университет талабалари ва уларнинг ижтимоий аҳволи ҳақида маълумот берсангиз.

– Университетимизда 27315 нафар талабаларнинг 13951 нафари кундузги таълим шаклида, 8732 нафари сиртки, 2928 нафари кечки таълим шаклида таҳсил оляпти. 1704 йиғит-қиз магистратура босқичида ўқияпти.

Талабаларнинг 570 нафари кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳисобланади. 45 талаба «Аёллар дафтари»да, 55 талаба «Темир дафтар»да, 112 талаба «Ёшлар дафтари»да рўйхатда туради. 226 талабанинг жисмоний имконияти чекланган, боқувчисини йўқотганларнинг сони 681 нафар, 17 нафар талаба чин етим ҳисобланса, яна 17 нафари «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларидир. Буларни моддий, маънавий, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, муаммоларини ҳал этишга энг биринчи навбатда эътибор қаратилади.

– Университет ички имкониятларидан келиб чиқиб талабалар бандлигини таъминлашда асосан қандай вазифалар белгиланган?

– Бу борада «Йўл харитаси» тузиб олинди ва у вилоят ҳокими томонидан тасдиқланди. Ушбу «Йўл харитаси»га асосан, университет ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда жорий йилда 1222 нафар талаба бандлигини таъминлаш назарда тутилди.

Жумладан, университетда «Карьера маркази» ташкил этилди ва унда 14 та туман ва шаҳардаги мавжуд вакант ўринлар тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилиб, ҳар ойда янгилаб бориляпти. Маълумотларни университет битирувчи курс талабаларига мунтазам равишда тақдим этиб бориш мақсадида 28 нафар талаба бандлиги таъминланди. Мазкур марказда ёшларда лидерлик қобилиятини шакллантириш, уларга ўз соҳаси бўйича ютуқларга эришиш ҳамда бандлигини таъминлашга қаратилган

семинар-тренинг, учрашувлар ўтказиш орқали кунига 60 талабанинг бандлиги таъминланмоқда.

Шунингдек, университет бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг намунавий шпталаридаги ўрта махсус маълумот талаб этиладиган ва малака талаб этилмайдиган касб ва лавозимларга талабаларни ишга жалб этиш орқали 284 нафар талаба ўриндошлик асосида ишга қабул қилинди. Университетда ташкил этилган қурилиш бошқармаси қопидаги талабалардан иборат қурилиш отрядларига 60 нафар йиғит-қиз ишбай асосида жалб этилди. Жорий йил май-август ойларида ўқув воситалари ва жиҳозларини техник таъмирлаш ва тезкор қайта тиклаш хизмат бўлими фаолиятида мавсумий иш фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган 40 нафар талаба бандлиги таъминланди.

Қолаверса, университетда ташкил этилган ахборот технологиялари, бадий, санъат, илмий-техник, хорижий тил тўтараклари ва спорт секцияларига 150 нафар иктидорли ва спортчи талабалар жалб этилди. Уларнинг тўтарак ва секциялардаги фаолияти мунтазам моддий рағбатлантириб борилади. Университет «Пресс клуб»ига ҳам 20 нафар иктидорли талаба жалб қилинди. Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатувчи «Қўниллилар клуби»нинг ташкил этилиши натижасида 200 талаба мунтазам моддий рағбатлантириб бориляпти.

– Молиявий мустақилликка эришган олий таълим муассасалари мустақил даромад топишнинг энг аниқ ва самарали йўлини ўйлашни керак. Шу маънода университетда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштириляптими?

– Албатта. Ахир, бу нафақат даромадга эга бўлиш, балки қўшимча иш ўринларини яратиш дегани. Бу борадаги вазифалар ижросига киришдик ҳам. Яқинда университетда мебель ишлаб чиқариш унитар корхонаси ташкил этилди. Натижада 64 нафар талаба 0,5 ставка асосида иш билан таъминланди. Шунингдек, яқин

кунларда цукат ишлаб чиқариш корхонасини ишга тушириш арафасидамиз, натижада яна 64 нафар талаба ишлаш имкониятини қўлга киритади. Интенсив усулда балиқ етиштириш корхонаси фаолияти ҳам йўлга қўйилди ва 40 нафар талаба ишга жойлаштирилди. Май ойида «Ҳуқуқий мадад» адвокатлик фирма (шўба корхона)си ташкил этилади ва фирманинг аҳолига пуллик ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш хизматига 20 нафар талаба ишбай асосида жалб этилади. Айни вақтда мактабгача ва бошланғич таълим факультетида «Ёш дизайнерлар» ва «Мобил чеварлар гуруҳи» номи тикувчилик тўтараклари ҳамда юмшоқ ва қўлда ясалган ўйинчоқларни тайёрловчи тўтараклар шакллантирилди. Унга ҳам 50 нафар талаба киз жалб этилди.

Тасарруфимиздаги қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган 11,0 гектар дала-тажриба майдони ҳудудидан аниқ бизнес режасига эга талабаларга 2 гектардан ер ажратиб берилади ва боғ ташкил этиш, 5 гектар майдони 10 сотихдан тақсимлаш орқали 60 нафар талабанинг мавсумий иш билан бандлиги таъминланди.

Ўз навбатида барча факультетларда табиий ҳамширалик пунктлари ва ҳамшира шпталари ташкил этилди ва бу орқали тиббиёт техникумларини тамомлаб, мутахассислиги бўйича дипломга ва ишлаш ҳуқуқига эга 32 нафар талаба 0,5 шптал беришда ҳамширалик ишга жалб этилди. АРМ ва архив ресурсларини рақамлаштиришни ташкил этиш мақсадида IT соҳасида амалий кўникмага эга 50 нафар талаба билан шартнома тузилиб, шу асосда ишбай тартибда улар иш билан таъминланди.

– Давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик ва давлат грантлари ҳисобидан ҳам қўллаб-қувватлаш бандлигини таъминлаш мумкин, шундай эмасми?

– Дарҳақиқат, «Йўл харитаси»да бу йўналишга ҳам асосий эътибор қаратилади. Бу борада биз йил давомида 3500 нафар талабанинг бандлигини таъминлашни режа қилдик.

«Shaffof yoʻl» ахборот платформаси

Муҳиддин МАҒЗУМОВ ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралда қабул қилинган «Автомобиль йўллари соҳасида очиклик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳада мутлақо янги очиклик стандартларини жорий этишда муҳим дастуриламал ҳужжат бўлди, дейиш мумкин. Мазкур қарорда белгилаб берилган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармиси бошлиғи Акрамжон ХАМДАМОВ шундай деди:

– «Автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш соҳасида шаффофлиқни таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида қабул қилинган ушбу қарор ижроси доира-сида «Shaffof yoʻl» онлайн ахборот платфoрмаси иш-лаб чиқилади. Бу жамоатчилик олдидати ҳисобдорлик стандартлари жорий этилишини аниглайди. Яъни, 2022 йилининг 1 июлидан тест тартибида ишга туши-риладиган мазкур платформада вилоятимиз автомо-биль соҳасига тегишли маълумотлар базаси жамлана-ди. Бошқача айтганда, автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш ишла-ри учун йўналтирилаётган маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳамда умумий фойдаланишдаги авто-мобиль йўллари билан боғлиқ маълумотлар шулар жумласидандир. Бу тафсилотлар Молия вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан шаклан-тирилади. Шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар бу-юртмачилигидаги ички хўжалик йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги кўчаларни платфoр-мага киритиш вилоят ҳокимлиги зиммасига юклати-лади.

«Shaffof yoʻl» платформасининг алоҳида саҳифаси орқали аҳолининг йўллар носозлиги, йўлларда ва йўл бўйида хавфсиз ҳаракатланиш учун юзгага келган фавқулодда техник муаммолар ҳақида фото, видео-муурожаатлар – жамоатчилик фикри асосида шакл-лантирилади. Масалан, светофор ва йўл белгилари ўрнатилмаганлиги ёки уларнинг шикастланганлиги, табиий офатлар натижасида юзгага келган ҳодисалар. Платформада жойлаштириладиган маълумотлар ба-заси Автомобиль йўллари қўмитаси расмий веб-сайти ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларга тегиш-ли маълумотлар базалари билан интеграцияланган ҳолда юритилади.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агент-лиги билан биргаликда илгор хорижий тажрибага асосланган ҳолда, 2022 йил 1 майга қадар автомобиль йўлларида қуриш, реконструкция қилиш ва таъмир-лаш объектларининг интерактив онлайн харита-схе-масини ишлаб чиқади. 2023 йилдан бошлаб вилоя-тимиздаги барча тоифадаги йўл участкаларини ушбу харитага жойлаштириш амалиёти йўлга қўйилади. Бу-гунги кунга қадар ички хўжалик йўлларининг жойлаш-ган манзили, тўлиқ номи, узунлиги, ҳолати ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган ички хўжалик йўллари реестри шакллантирилади. Молия вазирлигининг «Очик бюджет» ахборот портали орқали туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўллارни таъмирлаш учун ажратилган маблағлар жа-моатчилик фикри асосида шакланган ички хўжалик йўллари таъмирлашга йўналтирилади».

Хотин-қизлар тадбиркорликка ўқитилмоқда

Бахтиёр МАМАДАЛИЕВ,
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби вилоят ҳудудий филиали раҳбари.

Президентимиз раҳбарлигида жорий йил 1 мартда ўтказилган йилигишда аёллар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиб бериш борасида белгилаб берилган устувор вазифалар бутунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирда вилоятимизда ишсиз хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш,

уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича «Ишга марҳамат» мономарка-зи, касб-хунарга ўқитиш масканлари ва турли нодавлат нотижорат ташкилот-ларида яхши тажриба яратилди.

Филиалимиз ходимлари ҳам ушбу ўқув марказларида аёлларни тадбир-корликка ўқитиш мақсадида жорий йил бошидан қисқа муддатли ўқув курслар ташкил этиб келишмоқда.

Байрам шукуҳи

Жобирхон ШОКИРОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими мутахассиси.

Наврўз байрами арафасида ҳар бир жамоада иш қизгин. Жумладан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раисини Н.Нажмиддинов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси А. Мукаррамов фидойийлик намунасини кўрсатган инсонлар билан учрашиб, эсдалик совғаларини топширдилар. Шунинг-дек, вилоятда 100 нафар кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқатлар тўплами тақдим этилди.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳасида шанба кунлари ҳашар асосида кўчат экиш ишлари амалга оширилмоқда. Уйчи тумани Пастузлар маҳалласида, На-манган тумани Қоратепа ва Нуртепа маҳаллаларидаги қабристонларга манзара-ли кўчатлар, Чортқот туманининг Ўрикзор маҳалласидаги янги ўзлаштирилаётган адирлик ҳудудига ҳамда Янгикўрғон тумани 8-умумтаълим мактаби ҳудудига ме-вали ва манзарали даракт кўчатлари экилд.

Байрам арафасида вилоятдаги ёш спортчиларни рағбатлантириш мақсадида 2021-2022 йилда юқори натижаларга эришган 20 нафар ўқувчига спорт кийимлари ва анжонлари топширилди.

Кейинги йилларда юртимизда туризмни ривожлантиришга аҳамият қаратилган, шу боис фонд вилоят бўлими ва ҳудудий бўлинмаларнинг 18 нафар ходимининг 19-20 март кунлари Самарқанд шаҳрига саёхати ташкил қилиниши режалаштирилган. «Поп» темир йўл станциясидан Самарқандга борадиган поезд-га ҳар бир киши учун чипталар олинган. Ходимларнинг бошқа жойларга бориши, юртимизнинг диққатга сазовор бўлган жойларини кўришлари албатта, уларнинг саломатлигига ва иш қобилиятини яхшилланишига хизмат қилади.

Наманган ҳақиқати

1

Бу ҳақда батафсил сўз юрита-диган бўлсак, ҳозирда «UNITED IT CLUBS» марказида дастурлаш асослари, компьютер графикаси дастурларини мукаммал биладиган 50 нафар талаба ўқишдан ўзилмаган ҳолда ишлашни бошлади. Вилоятдаги мак-табгача таълим муассасалари, умумтаъ-лим мактаблари, касб-хунар мактабля-ри, коллеж ва техникумлардаги мавжуд бўш иш ўринларига йил давомида 2850 нафар талабани жалб этиш орқали ҳам улар бандлиги таъминланади. Шу кун-гача вилоятдаги ўқув марказлари ҳамда IT марказлар билан ҳамкорлик шарт-номаларини тузиш орқали 150 нафар талабамиз ишга жойлаштирилди. Ад-вокатлар Палатаси вилоят бошқармси билан ҳамкорликда, келишув шартно-маларига асосан, адвокат ёрдамчиси ла-возимларига ҳам 15 нафар талаба ишга жойланди.

Жумладан, университетга яқин ҳудуддаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида 50 талабанинг соат-бай тартибда ишлаши таъминланди. Кимё йўналишида тахсил олаётган 15 нафар талаба эса ҳудуддаги 4 та «Тио-биёт диагностика» марказларидаги бўш иш ўринларига жойлаштирил-ди. «Ifoda» ишлаб чиқариш корхонаси билан тузилган ҳамкорлик шартнома асосида ушбу корхонада мавжуд бўш иш ўринларида 5 нафар талаба иш бошлади.

Шунингдек, экология йўналиши-нинг 12 нафар талабаси вилоятатрокимё лабораториясига, 15 нафари вилоят ар-хитектура ва қурилиш бошқармасига, Ўзбекистон бадий академияси вилоят уюшмасига, информатика ва ахборот технологиялари йўналишида тахсил олаётган 20 талаба вилоятдаги мавжуд йирик алоқа компаниялари («Beeline», «UMS», «UZTELEKOM», «Usell») билан

шартномалар тузиш орқали иш билан таъминланди.

Шу кунга қадар вилоятдаги «LSL», «Ziyokor», «Mega Ziyor», «Invest Talim», «Prestige EDU.», «Vodiy taʼlim» нодав-лат ўқув марказлари ва «Istiqbol zamin bolalari», «Namangan International school», «Shirintoy gulʼunchalar», «Hippo school», «Aqlli bolajonlar», «Jajji akademiklar», «Jajji bilimdonlar», «AB-BIGʻDEIKA» каби нодавлат таълим ташкилотларида аниқланган мавжуд вакант ўринларга ҳудудий ёндошув асосида 70 нафар талаба ишга жой-лаштирилди. Университет ҳудудига яқин бўлган «Ахсикент», «Ойдин пла-за» ва «Шедевр» каби меҳмонхоналарда «Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш» ҳамда «Туризм» таълим йўналишларининг 25 нафар талабаси доимий ва ишбай тартибда ишга жалб этилди.

Университетда бажарилаётган 3 та грант ва 3 та стартап лойиҳалари ҳамда 10 та хўжалик шартномаларини амал-га оширувчи ижодий гуруҳ таркибига талабаларни жалб этишни 2 баробар-га кўпайтириш ҳисобига улар сони 20 га етказилди. Мавжуд ACCESS (English Access Microscholarship Program) грант лойиҳасига эса 4 нафар талаба жалб этилади ва шу билан уларнинг умумий сони 8 нафарга етишига эришилди.

Жамоатчилик кенгашлари ҳамда идоралараро коллегиал органлар-нинг аъзолигига киритилиши;

* уларнинг тадбиркорлиги дав-лат ҳаридларида ва давлат-хусусий шериклик битимида иштирокчи (ижрочи) сифатида катнашиши;

* давлат улushi 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар ҳамда давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаоли-ят юритиши.

Шунингдек, Фармонга кўра, 2022 йил 1 январдан давлат хиз-матчилари, давлат улushi 50 фо-издан юқори ташкилотлар, дав-лат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даро-мадлари ва мол-мулкни мажбу-рий декларация қилиш тизими жорий этилди.

Шу билан бирга, «Корруп-цияга қарши курашиш фаоли-тини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, 2021 йил 1 сентябрдан давлат ор-ганлари ва ташкилотлари ходим-лари онлайн очик танлов асосида ишга қабул қилина бошланди.

Ишлайдиган талаба эртага кучли билим ва касбий малакага эга кадр бўлиб етишмоғи зарур

–**Юқорида таъкидлаб ўтдингиз, талабалар бандлигини таъминлашда ҳокимликлар ва хусусий сектор билан яқин ҳамкорлик ўрнатилади. Ҳўш, бу жараёндан қандай натижа кутиляпти?**

– Бу борадаги ҳамкорлик натижа-сида жами 274 нафар талабанинг банд-лиги таъминланади. Қолаверса, уни-верситетда эҳтиёждан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда сартарошхона, тиқувчи-лик цехи, ошхона, талабалар турар-жойларида кир ювиш хизматлари, тар-жима маркази, ноширлик фаолияти, психологик хизматлар ташкил этил-япти. Яқин вақт ичида шу орқали 135 талаба ишли бўлади.

Университет балансида бўлган бино ва ишшоотлардан ижара шарт-номаси асосида фаолият юритаёт-ган «MEGA TRADE TEKSTILE» МЧЎ, «АЗИЗ ТАОМЛАР» МЧЎ, «NASIMJON MUXTASAR», «КАПИТАЛ АВТО-ТЕХ ХИЗМАТ» хусусий корхонаси ва «MEDIK SERVIS» кўп тармоқли хусу-сий корхонаси, якка тартибдаги тад-биркорлар Зоҳида Қодирова, Исроил Мансуров, Олим Сайдуллаев, Баҳодир Усупбоев, Мурод Жўраевлар билан талабалар бандлигини таъминлаш бўйича қайта шартномалар тузилди. Шу асосда 50 нафар талаба 0,5 ставка

Имкониётлар кенгаймоқда

Зулфия АХМАДХЎЖАЕВА,
вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.

Айни вақтда вилоятимизда 56 мингдан

ортиқ ногиронлиги бўлган шахсларнинг 9 минг нафардан ортиғини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил этади.

Кейинги йилларда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатла-рини ҳимоя қилиш, умидсизлик ҳамда ишонсизлик кайфиятидан халос этиш, ҳаётта интилишсини оши-ришда муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 22 декабрдаги «Но-гиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига қўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаолигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори билан бу тоифадаги кишиларнинг мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитлар яратилди.

Қарорга кўра, 2022 йил 1 январдан бошлаб Банд-ликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга ҳар бир ходим учун 6 ой да-вомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқорида субсидия берилади. Бунда, ноги-ронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган ташки-лотта субсидия беришда Ягона миллий меҳнат тизи-мида рўйхатдан ўтказилган меҳнат шартномаси асос ҳисобланади.

Янги қарорнинг аҳамиятли томони шундаки, бо-валикдан ногиронлиги бўлган ҳамда I ва II гуруҳ ноги-ронлиги бўлган шахслар учун даромад солиғи бўйича белгиланган имтиёз меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 1,41 бараваридан 3 бараваригача оши-рилади. Бу имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади. 2024 йил 1 мартга қадар иш берув-чиларга улар томонидан ногиронлиги бўлган шахс-лар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилади. Бунда, ижти-моий солиқ суммаси ногиронлиги бўлган шахслар-нинг олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шартли билан еттинчи ойдан бошлаб қайтарилади.

Этиборлиси, эндиликда ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича Идоралараро кенгаш тар-кибига идоралари билан биргаликда нодав-лат сектор вакиллари - Ўзбекистон кўзи оғизлар жамяяти, Ўзбекистон қарлар жамяяти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси ҳамда Тадбиркор ногирон-аёллар миллий ассоциацияси раҳбарлари ҳам кири-тилади ва улар зиммасига имконияти чекланган юрт-дошларимизнинг бандлигига қўмаклашиш бўйича қўшимча вазифалар юклатилади. Ушбу вазифалар эса қуйдагилардан иборат бўлади:

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим муас-сасаларида инклюзив таълимини ривожлантириш, уларни касбага тайёрлаш ва малакасини ошириб бо-риш учун муқобил шаклдаги ўқув материалларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилади;

- таълим муассасаларини битирувчи ногиронлиги бўлган шахсларнинг тавсия этилган касблар бўйича белгиланган тартибда корхона ва ташкилотларда ама-лиёт ўтатиш ташкил этилади;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг корхона ва таш-килотлардаги иш жойларини жиҳозлаш, мослашти-риш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарурий меҳнат шароитлари ташкил этилади;

- ногиронлиги бўлган шахсларни улар ишга жой-лашадан сунг ҳамда тадбиркорлик, хунарманчилик ёки ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошлагандан кейин қўллаб-қувватлаш механизмлари татбиқ этила-ди. Идоралараро кенгашга раҳбарлик қилиш эса Сав-до-саноат палатасининг зиммасига юклатилади.

Шунингдек, «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан 2022 йилдан бошлаб ҳар йили танлов асосида танлаб олинган 20 нафарга-ча ногиронлиги бўлган иқтидорли ёшларнинг етакчи хорижий олий таълим муассасаларида, шу жумладан онлайн курсларда таълим олиш имконияти яратила-ди.

● Тафаккур

Қисқа ифодаланган ўткир фикрлар ҳаётни яхшилашга кўп хизмат қилади.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Гематология ривожида муҳим бурилиш

Улутбек РЎЗИМАТОВ.

Давлатимиз раҳбарининг «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори онкологик касалликларнинг олдини олиш, уларни самарали даволаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилгани билан ғоят аҳамиятли. Шу йилнинг январь ойида мамлакатимизнинг барча вилоятларида, жумладан

Наманганга ҳам уч турдаги қон маҳсулотини оловчи Трима Эксел (Trima Accel) аппарати олиб келинди. Олдинлари қон топишувчи донордан 4-5 соатлаб ёки ундан ҳам кўпроқ вақт мобайнида плазма ҳамда тромбocит олинган бўлса, ҳозир бу мушкул жараёнга барҳам берилди.

Трима Эксел ускунаси билан ишлаш бўйича Тошкент шаҳрида ташкил этилган семинар-тренингда вилоят қон қуйиш марказининг икки нафар ходими – донорлик бўлими му-

дири Азимжон Давронов ҳамда бўлимнинг гематолог-трансфузиологи Илҳомжон Туланов иштирок этиб, тажриба ва амалий кўникмаларини ошириб қайтишди.

– Аввалги ускуналар донордан қон тромбocитларини ажратишда кўп вақт талаб этар эди. Барча ишлар қўлда бажариларди, – дейди Азимжон Давронов. – Ушбу замонавий аппарат энди ишимизни ўн баробарга енгиллатибгина қолмай, қисқа вақт қон компонентларини ажратишда рақамлаштирилган ҳолда

барча функцияларни ўзи бажара олади.

Трима Эксел тизими донордан бир вақтнинг ўзида учта қон маҳсулоти – тромбocит, плазма ва эритроцитни олиш имконини берадиган биринчи технологиядир.

– Мана шундай қондаги компонентни ажратип шепаратори ҳар бир донорнинг параметрларига асосланиб, қон компонентларини тайёрлашни назорат қилади. Бу нафақат донор хавфсизлигини таъминлайди, балки қон марказлари иши максимал самарадорлиги учун ҳар бир компонентни тайёрлашни ва олишни оптималлаштиради, – дейди суҳбатдошимиз Илҳомжон Туланов.

Энг асосийси, мазкур тиббий ускуна вақтни тежайди. Ҳар бир режалаштирилган муолажани автоматик тарзда номограмма ҳамда юқори сифатда бажаради. Аппаратнинг ҳар бир бемор учун бир марталик кассетаси 3 миллион 500 минг сўм нархда бўлиб, уларнинг барчаси давлат томони-дан қопланади.

САЙЁР ҚАБУЛ

Чувалчанг етиштириш

маҳалла драйверига айланади

Шоҳида ДАМИНОВА.

ди Шокиржон Намозов.

– Кўплаб жойларда тажриба орттирдим ва бу фаолиятимни маҳалламдаги хонадонларга ҳам тағбиқ қилмоқчиман. Шу ишга қизиқувчиларга тажрибамни ўргатаман.

Мазкур муурожаат юзасидан ҳоким ёрдамчиси Уктамжон Мамадалиев аҳолининг яшаш тарзини ўрганиш жараёнидаги ҳу-досларига асосланиб, бу фаолият ҳақиқатан ҳам айнан мана шу ҳудуд учун қудай ва маҳалла драйвери

бўла олишини тасдиқлади.

Туман раҳбари бу йил найманликлар учун анги-ланиш даври бўлишини, унда олиб борилаётган ҳар бир ислохот ин-сон қадрини улуғлашга қаратилишини айтиб ўтди. Бунинг учун маҳалла ахли ҳам бунёдкорлик, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш каби бахорий юмушларга алоҳида эътибор қаратиб, баҳамжихат иш ташкил қилишлари кераклигини таъкидлади.

«Темир дафтар» нима ва у қандай шакллантирилади?

«Темир дафтар» ўзи нима? Унга кимлар киритилади ва қандай тартибда шакллантирилади?

Ушбу саволларга Наманган шаҳар юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсулты Ҳаётбек НУРАЛИЕВ жавоб бери

«Темир дафтар» – карантин шароити-да ишсиз, даромадсиз қолган эҳтиёжманд, ёрдамга мухтож оидаларнинг маҳаллада шакллантирилган шаффоф рўйхати; «Темир дафтар» – ижтимоий аҳоли ва турмуш шароити онир ҳамда сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оидаларни қайд этиш, муаммо-ларини аниқлаш, баргараф этиш ва назо-ратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.

«Темир дафтар»ни юриктишда эҳтиёжманд оидаларнинг 7 тоифаси, жумладан:

- кам таъминланган;
- ногиронлиги бўлган;
- ижтимоий ҳимояга мухтож оидалар;
- яққа-ёқиз кексалар;
- доимий ишсиз фуқаролар;
- карантин туфайли ишсиз қолган фуқаролар;
- онир эпидемиологик ҳудудлардан қайтариб келинган фуқароларни камбағалликдан чиқариш чоралари қурилади.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя бўйича

миллий стратегия ишлаб чиқилди. Унинг доирасида ижтимоий ёрдамга мухтож фуқаролар бўйича алоҳида маълумотлар базаси яратилиб, барча «дафтарлар» ижтимоий ҳимоя ягона реестрига бирлаш-тирилади. Шунингдек, кам таъминланган оидаларнинг 3 ёшгача бўлган болалари учун озик-овқат маҳсулотлари ҳамда до-ри-дармонлар бериш дастури қабул қилинади.

Бундан ташқари қуйидагилар қўзда тутилмоқда:

- ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона дав-лат сиёсатини олиб бориш бўйича давлат органини белгилаш;
- ижтимоий сўтурта тизимини яра-тиш, жумладан ижтимоий сўтурта жамғармасини ташкил этиш;
- кам таъминланган оидаларга ижти-моий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш;
- «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида ёрдамга мухтож аёл-лар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган баса-лар бўйича алоҳида маълумотлар базаси-ни яратиш, жумладан, «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»ни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестр» билан бирлаштириш;

«Темир дафтар»дан чиқариш ва уларнинг ўрнига янги оидаларни кири-тиш бўйича маълумотлар қуниқ янгилаб борилади.



қўлланилди ҳамда табиатга ет-казилган 351.000 сўм зарар ундирилди.

Хулоса шуки, атроф-муҳит ва хавонинг мусаффо бўлишида бекиёс аҳамиятга эга бўлган, ин-сон нафас олишида бебаҳо неъм-ат – қислород ишлаб чиқарувчи асосий манба эканлигидан да-рахтларни кесиш мутлақо мум-кин эмас. Ўзбошимчалик эса хайрли натижа бермаслигям аён.

ЎҚИТУВЧИ СЎЗ СЎРАЙДИ

Ота-она ибрат бўлсагина...

Мирзақалон МИРЗАКАРИМОВ,

Наманган шаҳар Давлатобод туманидаги 58-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари.

Инсоният яралибдики, ўз жуфтини топишга, оила қуришга, ўзидан яхши зурриёд қолдиришга ҳаракат қилади. Лекин... боланинг яхши ёки ёмони бўлмайди. Ёхуд бола жиноятчи бўлиб тутилмайди. Жамиятда «ёмон» деган ибора бор экан, доимо «яхши»га нисбатан қарама-қарши қўлланиб келинади. Оилада ҳудди шу сўзлар билан яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратишга ўргатилади. Ўзимизнинг хатти-ҳаракатимиз, юриш-туришимиз, муомаламиз билан фарзандларимизга шахсий намуна бўлиш орқали ният қилган шахсни шакллантирамыз.

Шундай одамлар борки, маъна-вият, маърифат ҳақида гапирсанг, энгаси қотди. Тарбия масаласи эса умуман иккинчи даражали. Улар-нинг ўзида бу масалаларда на тушун-ча бор, на билим. Исбoт сифатида оддий ҳаётгй мисоллар билан айтиб ўтишни ўзимга жоиз деб билим.

Фарзандингизнинг устози уйга ва-зифа қилиб бирон бир китобни ўқиб келишни буюрган бўлса у сиздан шу китобни харид қилишни сўраса, сиз... хайрон бўлманг, таажжублан-манг ҳам. Фан ўқитувчиси болангиз-ни билим савияси, синф раҳбари унинг ахлоқ-оқоби ҳақида танқидий фикр билдирса, пешонангиз тири-лиш, фарзандингизни тергайсиз, жазолайсиз. Аслида сиз қилаётган хатти-ҳаракат тўғрими ёки ҳаёлин-гиздан ўтказган жазо-чи?

Нихола қанчалик эъти-бор қаратсангиз, уни яхши озиқлантирсангиз, улғайиб сиз кут-ган ҳосилини беради. Биз катталар «нихолларимизга» қандай «озуқа» бераймиз? Азиз ота-оналар, Сизни танқид қилишдан йироқман-у лекин биттагина саволимга жавоб беринг: охириги марта қачон фарзандингизга китоб совға қилгансиз?

Хулосан шу қадар тез чиқарасизки, гўё бу билан муаммони ҳал қилиб қўйдингиз! Ҳамма айбони фарзандингиз «устоз» деб билган, унга қунига юз мартаба «устоз» деб муурожаат қилган ўқитувчисига ағдарасиз-қўясиз. Бу «ҳукмингизда» адолат борми? Тўғри, беш бармоқ ҳеч қачон тенг бўлмагандай, устозлар орасида ҳам фақат «вақт утин»га ке-либ-кетадиганлари ҳам учраб тура-ди. Масаланинг иккинчи томониг-чи? Сиз чиқарган «ҳукм» фарзандингиз-га қандай таъсир кўрсатади? Сиз бу билан фарзандингизни худбинлик томон биринчи қадамни қўйиши учун шароит яратиб бердингиз. Ва кейинги қадамлар... Унутманг, мак-таб – маънавият, маданият ва маъри-фат тарбиботи ўчоги. Инсон қалбига йўл – аввало таълим-тарбиядан бош-

ФВБ ОГОҲЛАНТИРАДИ

Сел хавфи юзага келганда...

Сардор МҲМИНОВ,

Учкўрғон тумани ФВБ ФВДТ ва ФМ бошлиги, капитан.

Сўнгги қунларда юртимизнинг кўплаб ҳудудларида узелсиз ёмғир ёғиши қузагилмоқда. Бундай ҳолларда айрим жойларда сел хавфи кучаяди. Шунги эътиборга олиб, қуйидагиларни эслатиб ўтмоқчи эдик:

Энг аввало, уй ёки иш жойингиз сел хавфи зонасида жойлашган ёки жойлаш-магандлигини билинг; селдан фақат қочиб қутилиш мумкинлигини ёдда сақланг ва шундай огоҳлантириш олганда ёки хавф сезилганда зудлик билан хавфсиз жойга кўчиб ўтинг; бунинг имкони бўлмаса, дарахт ёки баландроқ жойга чиқиб олишга ҳаракат қилинг. Селнинг оқими одатда 4-5 соатдан ошмайди; селдан сўнг девор ва тўсиқлардан узокроқ туринг, газ, электр ва сув билан таъминлаш тизимлари ҳолати текширилгандан кейингина улардан фойдаланиш мумкин-лигини эсдан чиқарманг.

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ кафедралар бўйича қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади	Эълон	БИНО СОТИЛАДИ
Профессор: «Иктисодиёт» (1). «Техник тизимларда ахборот технологиялари» (1). Доцент: «Бино ва иншоотлар қурилиши» (1). Катта ўқитувчи: «Бино ва иншоотлар қурилиши» (1). «Энергетика»(1). «Материаллар қаршчилиги ва механика» (1). Ўқитувчи: «Қурилиш материаллари ва буюмлари» (1). Аризаларни қабул қилиш муддати: эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.		Косонсой тумани, Кўкумбой қишлоғида жойлашган 1 гектар, 60 сотихли парранда-чилик биноси сотила-ди. Барча ҳужжатлари мавжуд, 100х18 биноси бор (чала битган). Газ, сув, электр тармоқлари ўтган. Нархи: 550 млн. сўм. Келишилади. Телефонлар: (90) 751-01-11, (90) 223-07-97.

БИЛДИРИШЛАР

Янгиқўрғон туманида яшовчи Юсупов Азамат Абдуллаевич номидаги «Нексия» ру-сумли, давлат рақами 50 С 089 JA бўлган автомашининг техник паспорти йўқолганлиги **БИЛДИРИЛАДИ.**

Наманган туманидаги 8-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йил-да Умаралиева Шодиёна Фарҳоджон қизи номига берилган UM №9090918 рақамли шаходатнома (аттестат) йўқолганлиги

БИЛДИРИЛАДИ.

● Тафаккур

Халқ донишмандлиги одатда ҳикматли сўзларда ифодаланади.

2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Бунёдкорнинг баҳорий таровати

Носир АББОС.

Муҳтарам Президентимиз шахсан таширф буюрган манзиллардан бири бўлган Янги Наманган туманининг Бунёдкор маҳалласидаги ободончилик ишлари кўламини кўрган киши ўз кўнглидан ҳузурбахш бир иштиёқ ҳиссини кечирishi тайин.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жобир Алихоннинг ижтимоий тармоқлар орқали бераётган маълумотларига кўра, маҳаллада

Наврўздан-Наврўзгача ўтган оралик вақт мобайнида кенг кўламли қурилиш таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилган.

И ж т и м о и й - м а ѓ н а в и й муҳит барқарорлигини таъминлаш, «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари», «Меҳр дафтари»га киритилган аҳоли вакиллари билан мақсадли ва манзилли ишларда шаффофликка эришиш ишга янгича ёндошувларни талаб этади.

Яқинда маҳалла ҳудудидати 65-умумтаълим мактабиди

ўзига хос маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Мактаб кутубхоначиси Матлуба Абдуллаеванинг ташаббуси билан ўтказилган тадбирга одатдагидек мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларигина эмас, турли ёшдаги, турли касб ва ҳунар эгалари бўлган маҳаллошлар жам бўлишди.

«Маҳалла-мактаб-оила ҳамкорлиги» доирасидаги тадбирда таълим ислохотларининг самаралари, тарбия ва ахлоқ одоба доир ҳикматлар, улут аждодлари-

мизнинг бой маънавий меросларига муносабат, тинчлик ва тараққиётга дахлдорлик мавзуларида фикр юритилди. Фахрий педагог Маматвали Тургунов, манбаашунос олим Аҳмад Убайдуллох, журналист Раҳимжон Ирисов, фан, таълим ходимлари касба уюшма кўмитаси раиси Раҳбархон Жумабоева, ЎзХДП вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Муътабар Қозиевалар иштирок этган мулоқот давомида мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари то-

монидан тайёрланган адабий композиция тақдим этилди. Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли туналар» асари асосидаги сахна кўриниши гоёт таъсирли даражада намойиш этилдики, асосий ролларни ўқитувчилар ижро этишгани эътиборли эди.

«Маҳалла-мактаб-оила ҳамкорлиги» фаолиятимизда олдиндан муҳим жиҳат бўлиб келган, – дейди мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Василохон Ҳақимов. – Аммо, Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси асосида бу анъана янада кенг қулоч ёйди.

Тадбир якунида МФЙ раиси Жобир Алихон ва мактаб директори Акбарали Усмоновлар фаол иштирокчиларга эсдалик совғалари топширдилар.

35 нафар талаба мамлакат чемпионатиға йўл олди

Оқилхон ДАДАБОВЕ.



Наманган муҳандислик-технология институтида нафақат таълим сифатига, балки талаба-ёшларни мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Олий ўқув юртининг жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи, доцент, маҳоратли мураббий Улутбек Қўчқоров кўла остида юзлаб талаба-ёш дарсдан кейинги пайтда спортнинг шарқона яккакураш турлари сир-асрорларини ўрганмоқда. Сўнги йилларда биргина муай-тай турининг ўзидан 14 нафар спорт устаси етишиб чиқди. Шунингдек, 2 нафар жаҳон, 4 нафар Осиё, 50 дан ортиқ Ўзбекистон чемпионлари тарбияланди. Талабалар орасида 120 нафардан зиёд мамлакат чемпионати совриндори ҳам борлиги эътиборга молик.

Қувонарлиси шундаки, институтнинг 35 нафар талабаси кунги кеча Наманган шаҳридаги 5-мактаб спорт залида якунига етган муай-тай бўйича вилоят биринчилигида ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олиб, Ўзбекистон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

Биринчилик якуний натижаларига кўра, қизлар ўртасидаги жанглarda 1 та 3-ўрин, 4 та 2-ўрин, 11 та 1-ўрин қўлга киритилган бўлса, йигитлар 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медалга муносиб кўрилади. Энди улар жорий йилнинг 24-29 март кунлари Наманган шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон чемпионатида вилоят шарафини ҳимоя қилишади.



Инсон ширин сўз гадоси деганларидек, фарзанднинг ҳам меҳр ва ширин сўзга муштоқдир. Шундай экан, психолог сифатида сизга боланинг тарбиясида тез-тез эшитиб туриши керак бўлган сеҳрли сўзларни келтирмоқчиман.

Аввало, унга: «Сен мен учун ҳаммадан муҳимсан», – деган гапни қайта-қайта айтишдан чарчаманг. Кўчадан кириб келиши билан кучоқ очиб кутиб олинг-да, уни бағрингизга босиб: «Сени соғиндим», – деб айтинг. Кучоғингиздалигида юрак тафтингизни ҳис қилсин. Тез-тез: «Чиройлигим, бойлигим, давлатим, меҳрибоним...» - каби сўзлар билан сийлаб туринг.

Нотўғри иш қилганида, хатога йўл қўйганида, албатта унга «Сен нотўғри иш қилдинг» деган жумлани айтинг. Тўғри йўлни танлашга йўналтиринг.

Берган ҳар бир топширигингизни кузатиб, текширинг, яхши ишларини рағбатлантиринг, у билан фахрланишингизни айтинг.

Дилбандингизга ҳис-туйғуларини сизга ошкор этишига руҳсат беринг.

Йиғлаш фойдали, аммо, у кўзёшини артиб, олдинга қараб интилиш кераклигини ҳам англаши лозим. Зуматдан, қоронғуликдан кейин яна ёруғ тонг бошланишини унга тушунтиринг.

Фарзандингиз асабийлашганида, жаҳли чиқиб турганида унинг сокин ҳолатга келишини кутиб.

Фарзандингиз биринчи навбатда сизни яқинлари учун қайғурадиган, жон қуйдирадиган ва ташвиш чека-

МАСПАҲАТ

Фарзанд тарбиясида илғор кўникмалар

Васила ДАДАБОВЕВА,

Косонсой туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактаби амалиётчи психологи.

диган инсон сифатида қабул қилсин. «Менга ёрдам бера оласанми?», «Сенга ёрдам керакми?», - дея унга мурожаат қилиб туринг.

Боланинг қилган ишининг улдасидан чиқа олмаса-да, унга тиришқоқлик билан киришган бўлса, уни қўллаб-қувватланг. Кичик рағбатлардан кичик ютуқлар, кичик ютуқлар изидан эса катта омадлар келади.

Сени яхши кўраман болам, жум-

ласини ҳар кунни фарзандингизга такрор-такрор айтишини қанда қилманг. У сизнинг севгингиз абадий, шаксиз ва ўзгалар севгисига алмашиб бўлмайдиган туйғулигини англаб етсин!

Дуо қилинг! Унга эшиттириб, порлоқ келажак, бениқсон бахт, улут мартаба, эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлишини, барча эзгу истакларингизни амалга оширишини тиланг.



Хизматлар қиймати ортди

Аҳоли ва юридик шахсларга хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш мақсадида 2021 йил мобайнида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Жумладан, 405 нафар жисмоний ва юридик шахсни қўллаб-қувватлаш мақсадида 5901 миллион сўм кредит маблағлари ажратилиши ҳисобига йил бошига нисбатан 140 фоизга ўсишга эришилди.

Хусусан, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 11 нафар ташаббускорга 855 миллион сўм тижорат кредити ҳамда 394 нафар жисмоний шахсга 5 миллиард 901 миллион сўмлик микроқарзлар ажратилди. 2022 йилда 14,4 миллиард сўм миқдорида кредит ажратиш кўзда тутилмоқда. Яъни, бу қийматни 2021 йилга нисбатан 244 фоизга ошириш режалаштирилган.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида миллий ва хорижий валютада қуйидаги мuddатли омонат турлари жорий этилди:

ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИ:

1. **Баҳор** (онлайн омонати), йиллик 16 фоиз, мuddати – 3 ой. Дастлабки кирим бадали 500000 (беш юз минг) сўм.
2. **Самара** (онлайн омонати), йиллик 17 фоиз, мuddати – 6 ой. Дастлабки кирим бадали 500000 (беш юз минг) сўм.



МЕБЕЛ ВА
ТЕХНИКАЛАРНИ
MUDDATLI TO'LOVGA
XARID QILING!



3. **Қулай** омонати – йиллик 17 фоиз, мuddати – 6 ой. Дастлабки кирим бадали 1000000 (бир миллион) сўм.
4. **UMID** (offline омонати), йиллик 21 фоиз, мuddати – 13 ой. Дастлабки кирим бадали 500000 (беш юз минг) сўм.
5. **Навбахор Онлайн** (онлайн омонати), йиллик 22 фоиз, мuddати – 18 ой. Дастлабки кирим бадали 500000 (беш юз минг) сўм.
6. Хорижий валютада **«КАПИТАЛ» омонати**, йиллик 4 фоиз, мuddати – 13 ой. Дастлабки кирим бадали 1000\$ (бир минг) АҚШ доллари.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН:

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида жисмоний шахсларга:

Автокредитлар, микроқарзлар, енгил автомашиналарга газ баллон ускуналари ўрнатишга, тўй маросимларига, даволаш ва соғлиқни тиклаш учун, мебель ва спорт инвентарлари олиш учун, оргтехника маҳсулотлари сотиб олиш учун истеъмолад кредитларини таклиф этамиз.

Юридик шахсларга айланма маблағни

JISMONIY SHAXSLAR UCHUN AVTOKREDIT

yillik
24%
dan boshlab

muddati
36 oy

Boshlang'ich badal
30% dan boshlab



тўлдиришга қисқа мuddатли ҳамда инвестицион лойиҳаларни амалга оширишлари учун узоқ мuddатли кредитларни таклиф этамиз.

«МАРҲАМАТ ТАДБИРКОР» АКЦИЯСИ

Шунингдек, 2022 йил 16 февралдан 15 майга қадар «Марҳамат тадбиркор» акцияси эълон қилинган бўлиб, акция бошланган кундан «Савдогарбанк»да ҳисоб рақамини очган мижозларга 3 ой давомида амалга оширилган банк айланмалари учун бепул хизмат кўрсатилади.



Манзилимиз: Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 26-уй.



Телефон: (78) 223-07-02.

Хизматлар лицензияланган.

Тафаккур

Айрим фикрлар одамни бир ерга йиғилган нур оқимидек у қадар чарчатмайди.

Наманган ҳақиқати

Муассис:
Наманган вилояти ҳокимлиги
Бош муҳаррир:
Акрамжон САТТОРОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона: (69) 227-89-43.
Котибият: (69) 227-91-25.
Маданият бўлими: (69) 227-95-21.
Давлат қурилиши ва қонунчилик бўлими: (69) 227-91-50.
Ахлоқ бўлими: (69) 227-91-50.
Умумиқтисодий бўлими: (69) 227-96-60.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: (69) 227-93-39.
Эълонлар бўлими: (69) 227-91-19.
Ҳисобхона: (69) 227-98-31.

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида
2006 йил 22 декабрда
08-0001 рақам билан
руйхатдан ўтказилган.

Таҳририят манзили:
160108. Наманган шаҳри,
Навоий кўчаси, 36-уй.

Индекс: 5000.

Навбатчи муҳаррир: Носиржон Деҳқонов.
Навбатчи: Шоҳида Даминова.
Мусахҳиҳ: Насимжон Юнусов.
Саҳифаловчи-дизайнер: Абдуқаҳҳор Юлибоев.

Таҳририятта 14 шрифт, 1,5 интервалда
5 қозғодан ортиқ (шунингдек қўлёзмалар ҳам)
мақолалар қабул қилинмайди.
Топширилган материаллар эгасига
қайтарилмайди.

«Poligraf press» МЧЖда офсет
усулида чоп этилди.
14 880 нусха.
Қозғоз бичими – А-2.
Ҳажми – 2 босма табоқ.

Қорхона манзили: Марғилон
шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 (6)-уй.
Буюртма: 190.
Босишга топшириш вақти: 17.00
Топширилди: 19.00

Сотувдаги баҳоси: 3000 сўм

ISSN: 2091-5853

R – белгиси билан тижорий
мақолалар бериллади.